



ENSURING THE RIGHT OF THE SUSPECT AND ACCUSED TO A DEFENCE IN THE USE OF THE INSTITUTIONS BY A PLEA AGREEMENT

Abdukakhkhorov Sarvarbek Abdusamat ugli

Senior Lecturer, Criminal Law Department, Academy of the Ministry of Internal Affairs

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11076609>

ARTICLE INFO

Received: 18th April 2024

Accepted: 26th April 2024

Online: 27th April 2024

KEYWORDS

Ensuring the right to a defence, plea agreement, leading criminal cases, defender, institution of reconciliation.

ABSTRACT

The article considers the positive and negative sides of the institution of plea agreement, as well as gaps in the legislation related to this institute. Proposals have also been developed that will lead to more efficient functioning of the incentive rules in criminal cases.

АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧЕНИ ХИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Абдуқаххоров Сарварбек Абдусамат ўғли

ИИБ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11076609>

ARTICLE INFO

Received: 18th April 2024

Accepted: 26th April 2024

Online: 27th April 2024

KEYWORDS

Ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув, жиноят ишларини юритиш, ҳимоячи, ярашув институти.

ABSTRACT

Мақолада айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институтини ижобий ва салбий жиҳатлари ҳамда мазкур институт билан боғлиқ қонунчиликдаги бўшлиқлар ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, жиноят ишларини юритиш жараёнида рағбатлантирувчи нормаларнинг янада самарали ишлашига олиб келувчи таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

2018 йил 14 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори қабул қилинди. Унда жиноят процесси бўйича рағбатлантирувчи нормаларнинг қўлланилмаслиги ва самарасизлиги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга тўсиқ бўлаётгани таъкидлаб



ўтилди¹. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сон қарорида ҳимояланиш ҳуқуқига таъриф берилган. Унга кўра гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи — юзага келган гумон, қўйилган айбни рад этиш ёки жавобгарлик ва жазони юмшатиш учун унга қонун билан берилган процессуал имкониятлар (восита ва усуллар) йиғиндисидир². Маълумки, мазкур процессуал имкониятларга айбга иқрорлик тўғрисида келишув институти ҳам киради.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув — ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишида фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан жиноят иши юритилишини назорат қилувчи прокурор билан айрим тоифадаги жиноятлар бўйича тузиладиган аҳдлашув.

Бир қанча муаллифлар айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни қонун ҳужжатларига киритишдан кўзланган асосий мақсад жиноятларни тергов қилиш вақтини қисқартириш, суд ишининг ҳажмини камайтириш³ ва жабрланувчиларга етказилган мулкӣ зарарнинг қопланишини осонлаштириш эканлигини таъкидлайдилар⁴.

Б. Стефаноснинг фикрича, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув, биринчи навбатда, жиноят иши юритилишини тезлаштиришга, процессуал харажатларни камайтиришга, диспозитив принципларнинг қўлланиш доирасини кенгайтиришга, жазо тури ва чорасини олдиндан тахмин қилишга имкон беради⁵.

Б. А. Саидов келишув институтининг иқтисодий томонларига кўпроқ эътибор қаратган. Унинг фикрича, ушбу институтни қўллаш натижасида “давлат органларининг ишни судга қадар юритиш босқичидаги харажатлари кескин камаяди; процесс иштирокчиларининг судга қадар, ҳатто суд жараёни давридаги сарсонгарчилиги ва ортиқча сарф-харажати камаяди....”⁶.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (2018 йил 14 май, ПҚ-3723-сон) // URL: <https://lex.uz/docs/3735818> (мурожаат вақти: 06.06.2022).

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори. Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида (2003 йил 19 декабрь, 17-сон) // URL: <https://lex.uz/docs/1453755> (мурожаат вақти: 01.08.2022).

³ Юрченко Р. Процессуальные соглашения и законодательное поощрение их заключения // URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31669999&pos=6;-118#pos=6;-118 (мурожаат вақти: 26.04.2022).

⁴ Прокопова А.А. Процессуальное соглашение о признании вины в уголовном судопроизводстве Республики Казахстан: каких целей оно достигает? // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/protsessualnoe-soglashenie-o-priznanii-viny-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-respubliki-kazahstan-kakih-tseley-ono-dostigaet/viewer> (мурожаат вақти: 26.01.2022).

⁵ Ахпанов А.Н. Процессуальные соглашения в уголовном судопроизводстве: законотворческий опыт Республики Казахстан / А. Н. Ахпанов, В. А. Азаров, А. О. Балгынтаев // Криминологический журнал Байкальского государственного университета экономики и права. — 2015. — № 2 — С. 344 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/protsessualnye-soglasheniya-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-zakonotvorcheskiy-opyt-respubliki-kazahstan> (мурожаат вақти: 26.01.2022).

⁶ Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc) ... дис. — Т., 2020. — Б. 198.



В. Ю. Мельниковнинг тадқиқотида ҳам Б. А. Саидовнинг фикрига яқин қарашни кўрамиз⁷.

Б. Б. Муродов бу борада қуйидагиларни таъкидлайди:

— “содир этилган оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни тергов қилишга масъул бўлган тегишли органларнинг кўп куч ва вақтини сарф этмаган ҳолда уларни тез ва тўлиқ фош этиш имконияти юзага келади...”⁸.

Бошқа муаллифлар эса мазкур институтнинг камчиликларини кўрсатиб ўтишган. Мисол учун Б. Х. Толеубекова ва Т. Б. Хведелидзенинг фикрича, айбга иқрорлик бўйича келишув тузилган ишларда суриштирув, дастлабки тергов ва суд тўлиқ амалга оширилмаслиги сабабли ушбу институт айбсизлик презумпциясига зиддир⁹.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувда шахснинг айбини тўлиқ исбот қилиш мумкин бўлган ҳажмда процессуал ҳаракатлар амалга оширилмайди¹⁰.

Бизнинг фикримизча, ушбу институтнинг ЖПКга киритилиши жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар, процесс иштирокчилари ва умуман давлат учун ижобий аҳамиятга эга. Лекин шуни инобатга олиш лозимки, жиноят ишларини юритишдан кўзланадиган бош мақсад жиноят процессининг вазифаларини бажариш бўлмоғи лозим. Биз биламизки, жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш жиноят процессининг асосий вазифаларига киради. Шунинг учун ҳам айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилишининг ўзи суриштирувчи, терговчи, прокурорни жиноятни тўлиқ ва ҳар томонлама тергов қилиш, судни эса ҳар бир воқеани синчковлик билан муҳокама қилиш мажбуриятидан озод этмаслиги лозим. Шундагина барча айбдорлар жазоланишига, айби бўлмаган шахслар эса жавобгарликка тортилмаслигига эришса бўлади.

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузаётганда ҳимоячининг мажбурий иштирокини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади, чунки ҳимоячи айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувда ҳимояси остидаги шахс ҳуқуқлари бузилмаслигининг қўшимча кафолати ҳисобланади. Бундай ишларда ҳимоячи айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг ихтиёрийлигини, гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан ҳеч қандай

⁷ Мельников В.Ю. Обеспечение и защита прав человека при применении мер процессуального принуждения в досудебном производстве Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2014 // URL: <https://lawtheses.com/obespechenie-i-zaschita-prav-cheloveka-pri-primenении-mer-protsessualnogo-prinuzhdeniya-v-dosudebnom-proizvodstve-rossiys> (мурожаат вақти: 11.08.2022).

⁸ Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc) ... дис. — Т., 2018. — Б. 217.

⁹ Прокопова А.А. Процессуальное соглашение о признании вины в уголовном судопроизводстве Республики Казахстан: каких целей оно достигает? // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/protsessualnoe-soglashenie-o-priznanii-viny-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-respubliki-kazahstan-kakih-tseley-ono-dostigaet/viewer> (мурожаат вақти: 26.01.2022); Толеубекова Б.Х. Алогизмы нового уголовно-процессуального кодекса Республики Казахстан / Б. Х. Толеубекова, Т. Б. Хведелидзе // Вестник КазНПУ имени Абая. — 2017. — № 4(50).

¹⁰ Алахунов Н.А. Правовые аспекты возможности расторжения соглашения о признании вины в уголовном судопроизводстве Киргизской Республики // Бюллетень науки и практики. — 2021. — № 2. — С. 277 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovye-aspekty-vozmozhnosti-rastorzheniya-soglasheniya-o-priznanii-viny-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-kirgizskoy-respubliki> (мурожаат вақти: 20.04.2022).



тазйиқ, зўравонлик содир этилмаганлигини аниқлаши лозим. Чунки жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари томонидан гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан турли босимлар ўтказилган, мажбурлаш ҳолатлари содир этилган бўлиши мумкин.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га 2021 йилда келиб тушган шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ мурожаатлар ичида суд-тергов жараёнларига доирлари энг кўп қисмларидан бирини ташкил этган¹¹.

Юқоридагиларга асосланиб айта оламизки, айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузиладиган ишларда ҳеч қандай юридик маълумотга эга бўлмаган гумон қилинувчи ва айбланувчининг жиноят ишида ҳимоячисиз, мустақил равишда иштирок этиши унинг ҳуқуқлари ноқонуний чекланишига олиб келиши мумкин. Шу боис ҳам бундай ишларда гумон қилинувчи, айбланувчи ҳимоячидан воз кечган тақдирда ҳам суриштирувчи, терговчи буни қабул қилмаслиги керак.

Мазкур соҳадаги халқаро тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, **АҚШ**да айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузилаётганида ҳимоячи иштирок этиши шарт¹². **Буюк Британия** жиноят процессига кўра, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув прокурор ва ҳимоячи ўртасида тузилади. Бунда айбланувчи айблов хулосасининг айрим бандларида кўрсатилган айбловларга иқдор бўлади, прокурор эса айблов хулосасининг бошқа бандлари бўйича жиноят иши юритилишини тўхтатади. **Франция**да айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувнинг ташаббускори нафақат айбланувчи ва унинг ҳимоячиси, балки прокурор ҳамда тергов судьяси ҳам бўлиши мумкин. **Германия Федерацияси**¹³ ва **Қозоғистон Республикаси**да ҳам мазкур келишув тузилаётганида ҳимоячининг иштироки мажбурий ҳисобланади¹⁴.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКда айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузилаётган ишлар бўйича ҳимоячи қачондан бошлаб иштирок этиши шартлиги аниқ белгиланмаган. Бу эса суд-тергов амалиётида айрим тушунмовчиликларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётида эса ҳар хилликни юзага келтиради.

Ҳимоячининг айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувга доир асосий вазифаларидан бири — гумон қилинувчи, айбланувчи мазкур институтнинг мазмун-моҳиятини, келишув тузилганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тўғри англаб етганлигини аниқлаш. Шунинг учун ҳам суриштирувчи, терговчи шахс

¹¹ 2021 йилда Омбудсман офисига 18,7 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди // URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2022/04/07/ombudsman/> (мурожаат вақти: 22.09.2022).

¹² *Иванов А.А.* Правовое регулирование института сделок о признании вины в США // Вестник Нижегородского университета им. Н. И. Лобачевского. — 2012. — № 2 — С. 285 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoe-regulirovanie-instituta-sdelok-o-priznanii-viny-v-ssha> (мурожаат вақти: 20.04.2022).

¹³ Сделки о признании вины в уголовном процессе зарубежных стран / А. Д. Алёшина, А. Л. Асланиян, К. В. Беляева, В. В. Булатова // Юридический вестник молодых ученых. Вып. 3. — М., 2016. — С. 40–43 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sdelki-o-priznanii-viny-v-ugolovnom-protseesse-zarubezhnyh-stran> (Мурожаат вақти: 13.07.2021).

¹⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.01.2022 г.) // URL: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852&pos=1768;-54#pos=1768;-54 (мурожаат вақти: 03.02.2022).



айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузиш хоҳишини билдирган вақтдан бошлаб ҳимоячининг иштирокини таъминлаши мақсадга мувофиқ бўлади. Агар ҳимоя остидаги шахс мазкур институтнинг моҳиятини нотўғри тушунган бўлса, ҳимоячи унга қайта тушунтириши ва натижасига қараб кейинги ишлар кетма-кетлигини режалаштириши керак. Мазкур тартиб ҳозирги вақтда **Қозғоғистон Республикаси ЖПК (67-модда)**¹⁵ ҳамда **Украина ЖПКда (52-модда)** мавжуд¹⁶.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ЖПКнинг 586²-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги сўзлар билан тўлдиришни таклиф этамиз:

“Тумон қилинувчи, айбланувчи айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақида хоҳиш билдирган вақтдан бошлаб ҳимоячининг иштирок этиши шарт”.

Айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув билан боғлиқ муаммолардан бири унинг амалиётда кам қўлланилаётганидир. Юқоридаги институт ЖПКга киритилганига уч йил бўлганига қарамай, 2021 йилда атиги 85 марта қўлланилган¹⁷, ҳолбуки шу даврда мамлакатимизда 84 100 та жиноят содир этилган¹⁸. Бундан кўринадики, мазкур институтнинг қўлланилиш даражаси йил давомида содир этилган жиноятларнинг атиги 0,10 фоизидан кўпроғини ташкил этган. 2022 йилда эса судда кўриб чиқилган умумий жиноятларнинг 021 фоизга яқини бўйича айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув қўлланилган¹⁹ Бу рақам қонунчилигида айбга иқдорлик тўғрисида келишув назарда тутилган хорижий давлатлардагига нисбатан жуда камдир. Мисол учун, АҚШда жиноят ишларининг 90 % игача²⁰, Германияда 70 % идан ортиғи ана шу тартибда кўриб чиқилади²¹.

Эътиборли жиҳати шундаки, юртимизда мазкур институт қўлланилган шахсларга доир маълумотлар таҳлил қилинганида уларнинг аксарияти юридик маълумотга эга эканлиги ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фаолият юритгани аниқланган. Мисол учун, фуқаро А. Халқаро-ҳуқуқий ишлар бўйича адвокатлар ҳайъатининг адвокати лавозимида ишлаб келган, жиноят содир этиш йўлига кириб, туҳмат қилиш,

¹⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.01.2022 г.) // URL: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852&pos=1768;-54#pos=1768;-54 (мурожаат вақти: 03.02.2022).

¹⁶ Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года № 4651-VI (с изменениями и дополнениями по состоянию на 24.03.2022 г.) // URL: http://continent-online.com/Document/?doc_id=31197178 (мурожаат вақти: 16.02.2022).

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2023 йил 14 мартдаги 07/14-2336-112-сон хати.

¹⁸ 2021 йилда ҳар учинчи қотиллик оилавий муаммолар туфайли содир этилган — ИИБ // URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/19/iiv/> (мурожаат вақти: 26.01.2022).

¹⁹ Судлар томонидан 2022 йилда кўриб чиқилган жиноят ишлари юзасидан ахборот// URL: <https://sud.uz/1801-4/> (мурожаат вақти: 19.02.2023).; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2023 йил 14 мартдаги 07/14-2336-112-сон хати.

²⁰ Алёшина А.Д. Сделки о признании вины в уголовном процессе зарубежных стран // Юридический вестник молодых ученых / А. Д. Алёшина, А. Л. Асланиян, К. В. Беляева, В. В. Булатова. — М., 2016. — С. 39 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sdelki-o-priznanii-viny-v-ugolovnom-protsesse-zarubezhnyh-stran> (Мурожаат этилган сана: 13.07.2021).

²¹ Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc) ... дис. — Т., 2020. — Б. 98; Макаров А.П. Сделка о признании вины: новация УПК Украины // Ученые записки Таврического национального университета им. В.И.Вернадского. Сер. “Юридические науки”. — 2013. — Т. 26. — № 1. — С. 414–418.



хужжатларни қалбакилаштириш ва қалбаки хужжатлардан фойдаланиш каби жиноятларни қасддан содир этган. Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчининг кўрсатувини тинглаб, фуқаро А.нинг айби унинг ўз айбига тўлиқ иқдорлик билдириб берган кўрсатувлари, тушунтириш хатлари, эксперт-криминалистика бош марказининг хулосаси, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлаш ҳақидаги қарор ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топган. Суд айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлаб, судланувчига айблов ҳукмини эълон қилган²².

Назаримизда, мазкур институтнинг кам қўлланилишига қуйидаги икки омил сабаб бўлмоқда:

биринчиси — суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ва адвокатларнинг ушбу институт ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги. Суд-тергов амалиёти ходимларининг айбга иқдорлик тўғрисида келишув институтининг мазмунини билиш-билмаслиги борасида ўтказилган сўровда уларнинг 71 % мазкур институт ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги аниқланди²³. Бу муаммони ҳал қилиш учун жиноят ишини юритишга масъул мансабдор шахсларнинг, адвокатларнинг малакасини ошириш жараёнида ушбу институтнинг мазмунига батафсил тўхталиш, унинг моҳиятини тўлиқ очиб берадиган видеодарсликлар яратиш ва амалиёт ходимларини улар билан таъминлаш зарур;

иккинчиси — гумон қилинувчи, айбланувчининг ушбу институт мавжудлигидан беҳабарлиги. Амалдаги ЖПКда гумон қилинувчи ва айбланувчига уларнинг айбига иқдорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқини қайси субъект тушунтириши масаласи очик қолган. ЖПКнинг 360-моддасига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи гумон қилинувчини ЖПКнинг 48-моддасида белгиланган ҳуқуқлари билан таништириши керак. Юқоридаги моддаларда белгиланган ҳуқуқлар орасида илтимоснома бериш ҳуқуқи кўрсатилган, лекин ҳуқуқий билимга эга бўлмаган гумон қилинувчига илтимоснома бериш ҳуқуқига эга эканлигини айтиб қўйишнинг ўзи унинг ҳуқуқлари таъминланишига кифоя қилмайди. Чунки дастлабки тергов ва суриштирув босқичида бериладиган, келгусида айбдор деб топилган шахсга тайинладиган жазога бевосита таъсир қиладиган шундай илтимосномалар борки, уларни алоҳида тушунтирмаслик мумкин эмас.

Айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома тушунтирилиши мажбурий бўлган илтимосномалар сирасига киради. Суриштирувчи, терговчи айбланувчига айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузиш учун илтимоснома бериши мумкинлигини, унинг моҳиятини, прокурор билан мазкур келишувни тузган тақдирда унга нисбатан келгусида Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг яримидан кўп бўлмаган миқдори ёки муддатигача жазо тайинланиши мумкинлигини тушунтириши лозим. Бу ишнинг бажарилмаслиги айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институти кенг миқёсда ва барча учун бирдек ишламаслигига олиб келади. Чунки, ЖПКнинг 586¹-моддасига

²² Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди архивидаги 1-1009-2106/237-сон жиноят иши.

²³ 1-илова.



мувофиқ, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузилади. Бундай ишларда эса ҳимоячи иштирок этиши шарт эмас. Агар суриштирувчи, терговчи, ҳимоячи гумон қилинувчи ва айбланувчига айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувнинг моҳиятини тушунтирмаса, улар бундай институт борлигини ҳам билмайди. Назаримизда, ҳозирги вақтда айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институти ҳимоячиси бор ёхуд юридик соҳада етарли маълумотга эга шахсларгагина қўлланилмоқда. Юқорида келтирган амалий мисолдан ҳам кўришимиз мумкинки, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институти адвокатга нисбатан қўлланилган.

Бизнинг фикримизча, суриштирувчи, терговчи шахсга нафақат айбга иқдорлик тўғрисида келишув институтининг, балки амалдаги қонунчилик бўйича унга жазо тайинлашда таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа рағбатлантирувчи нормалар, жумладан, ЖК 55, 57¹, 66¹-моддаларининг ҳам мазмунини тушунтириб бериши зарур. Масалан, ЖКнинг 55-моддасида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар кўрсатилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

- а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш;
- б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш;
- в) оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш;
- г) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш;
- д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш;
- е) зарурий мудофаанинг, охириги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки ҳўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш;
- ж) вояга етмаганнинг жиноят содир этиши;
- з) ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;
- и) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид ҳулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш²⁴.

Шунингдек, амалдаги ЖКнинг 57¹-моддасида қуйидаги қоида келтирилган:

Шахс айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам берган, етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилган бўлиб, унинг содир этган жиноятида Жиноят кодекси 56-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазо муддати ёки миқдори Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслиги керак²⁵.

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: <https://lex.uz/acts/111453> (мурожаат вақти: 10.03.2023).

²⁵ Ўша манба.



Амалдаги ЖКнинг 66¹-моддасида кўрсатилган жиноятлардан бирини содир этган шахс жабрланувчи билан ярашиб, унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши тугатилиши мумкинлиги ЖПКнинг 46, 48-моддаларида ўз аксини топмаган.

2022 йилда ярашув институти қўлланилиши натижасида 15 315 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинган²⁶. Ёки бўлмаса, 2018–2020 йилларда ярашув тартибида тугатилган жиноят ишлари жами тугатилган жиноят ишларининг ўртача 22,6 фоизини ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич Россияда 2019 йилда 58,5 фоизга етган²⁷.

Юқорида келтирилган моддаларнинг қоидаларини гумон қилинувчи ва айбланувчига тушунтириб бериш қуйидаги ижобий натижаларга олиб келади:

биринчидан, ЖКнинг 55, 57¹, 57², 66¹-моддалари амалда кенг қўлланилишига эришилади. Бу эса, А. Ж. Саидов тўғри таъкидлаганидек, давлат бюджетининг сарфи камайтирилишига олиб келади²⁸;

иккинчидан, ҳимояланиш ҳуқуқи самарали амалга оширилишига ижобий таъсир кўрсатади;

учинчидан, келтирилган зарар қисқа муддатларда қопланишига эришилади. 2021 йилда ИИОлари томонидан тергов қилинган жиноят ишлари бўйича шахсларга 1 293 932 797 сўм зарар етказилгани аниқланган бўлиб, шунинг 956 773 034 сўми жиноят иши тамомлангунига қадар ундирилган²⁹. Мазкур статистикадан зарарни ундириш масаласи амалиётда мавжуд бўлган энг оғир муаммолардан бири эканлигини кўриш мумкин. Б. А. Саидов ўз тадқиқоти давомида юздан ортиқ жабрланувчилар билан суҳбат ўтказиб, уларнинг аксариятига етказилган моддий (маънавий) зарарнинг қопланиши уларни “рози” қилишда биринчи ва асосий омил эканлигини аниқлаган³⁰;

тўртинчидан, жиноят ишларини юритишда вақт тежалишига олиб келади. 2022 йилда ИИО дастлабки тергов органлари томонидан 39 555 та жиноят иши тамомланган бўлиб, улардан 19 120 таси — 1 ойгача, 14 466 таси — 2 ойгача, 5931 таси эса 3 ойгача тергов қилинган. Ушбу ҳолат ҳамда ҳозир ҳам терговчиларнинг юритувида жиноят ишлари кўплиги берган таклифларимиз ниҳоятда долзарблигидан далолат беради³¹;

бешинчидан, қонунчиликда мавжуд имтиёзлардан барча фуқаролар бирдек фойдаланишига имкон беради. Масалан, ҳозирги ҳолат бўйича суриштирувчи, терговчи рағбатлантирувчи нормалар билан гумон қилинувчи, айбланувчини таништириши ҳам, таништирмаслиги ҳам мумкин. Демак, бундай имтиёзлардан

²⁶ Судлар томонидан 2022 йилда кўриб чиқилган жиноят ишлари юзасидан ахборот // URL: <https://sud.uz/1801-4/> (мурожаат вақти: 09.02.2023).

²⁷ Ушбу статистик рақамлар қуйидаги манбадан олинди: Пайзиев Д.Ю. Ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институтини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дис. — Т., 2021. — Б. 5.

²⁸ Саидов А.Ж. Жазо тайинлашда рағбатлантирувчи нормаларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари // URL: <https://zenodo.org/record/6480997#.Yp2y3qhByUk> (мурожаат вақти: 06.06.2022).

²⁹ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йилга доир “1 Я” статистик маълумотлари.

³⁰ Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc) ... дис. — Т., 2020. — Б. 130.

³¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йилга доир “1 Я” статистик маълумотлари.



ҳозирги вақтда асосан адвокат ёллаганлар хабардор бўла олади, чунки адвокат миждозига ЖКда рағбатлантирувчи нормалар мавжудлигини тушунтириши мумкин. Лекин, биз биламизки, ҳар доим ҳам шахснинг адвокат ёллашга хоҳиши ёки имкони бўлавермайди. Бундай гумон қилинувчи ва айбланувчилар уларга қонунчилик бўйича берилган барча имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдалана олмайди. Бу эса, назаримизда, адолатсизлик ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди”³²;

олтинчидан, суриштирувчи ва терговчи томонидан бўлиши мумкин бўлган коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Мисол учун, ҳозирги ҳолат бўйича суриштирувчи, терговчи гумон қилинувчига “ёрдам қилиш”, жазони енгиллаштириб бериш учун, гўёки иложсиз нарсанинг иложини қилиб берадиган одамдек, ундан қандайдир моддий манфаат тама қилиши мумкин. Рағбатлантирувчи нормалар гумон қилинувчи ҳамда айбланувчига бевосита тушунтирилганида эса жиноят содир этган шахс жазонинг енгиллаштирилиши суриштирувчи ёки терговчининг ваколати эмас, балки қонунчилик бўйича унга берилган имтиёз эканлигини англаб етади.

Б. А. Саидов ўз тадқиқотида амалдаги ЖПКнинг 46, 48-моддаларини “процессуал келишувлар судда қўрилаётганида иштирок этиш” жумласи билан тўлдириш ғоясини илгари сурган³³, лекин процессуал келишувнинг мазмун-моҳияти гумон қилинувчи, айбланувчига тушунтирилиши лозимлиги ҳақида тўхталмаган. Назаримизда, Б. А. Саидовнинг таклифини амалиётга жорий этиш орқали рағбатлантирувчи нормаларнинг жиноят процессида кенг қўлланилишига эришиб бўлмайди. Чунки, гумон қилинувчи, айбланувчини “процессуал келишувлар судда қўрилаётганида иштирок этиш” ҳуқуқи борлигини айтиб қўйиш “биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш” ҳуқуқи сингари умумий маъно касб этади. Яъни гумон қилинувчи, айбланувчи айбига иқдорлик тўғрисида келишувнинг ўзи нима, бундай келишув қандай жиноятлар бўйича тузилади, мазкур келишувни у содир этган жиноятга қўлласа бўладими, бунда унинг учун қандай енгилликлар бор, деган саволларга жавоб ололмайди.

Энди рағбатлантирувчи нормаларни гумон қилинувчи, айбланувчига тушунтириш борасида тўпланган халқаро тажрибага эътибор қаратсак. **Қозоғистон Республикасида** (ЖПК, 64, 65-моддалар) гумон қилинувчи, айбланувчига жабрланувчи билан ярашиш, шунингдек процессуал келишув тузиш ҳақида прокурорга мурожаат қилиш ҳуқуқлари тушунтирилиши белгиланган³⁴. **Озарбайжон Республикасида** (ЖПК, 90, 91-моддалар) гумон қилинувчи ва айбланувчи жабрланувчи билан ярашиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигини билиши,

³² Шавкат Мирзиёев. Судлар томонидан оқлов ҳукмлари чиқарилмаяпти // URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2016/10/22/sud/> (мурожаат вақти: 08.06.2022).

³³ Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc) ... дис. — Т., 2020. — Б. 253.

³⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.01.2022 г.) // URL: <https://zakon.uchet.kz/rus/docs/K1400000231> / (мурожаат вақти: 06.06.2022).



шунингдек ўзининг ЖПКда белгиланган ҳуқуқларидан тўлиқ хабардор бўлиши лозимлиги кўрсатилган³⁵. Эстония Республикасининг ЖПКга (34-модда) эътибор қаратадиган бўлсак, унда жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органининг мансабдор шахси гумон қилинувчининг келишув тузиш сингари ҳуқуқларини тушунтириши кераклиги белгиланганини кўришимиз мумкин³⁶.

Амалдаги ЖПК, суд-тергов амалиёти ҳамда хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил этиш асосида, ЖПК 46 ва 48-моддаларининг биринчи қисмини “кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги” деган сўзлардан кейин “Жиноят кодексининг 55, 57¹, 57², 66¹-моддалари мазмун-моҳиятини тушунтириб берилишини талаб этиш” деган сўзлар билан тўлдириш ҳамда суриштирувчи, терговчига мазкур институтлар мазмун-моҳиятини гумон қилинувчи ва айбланувчига тушунтириш мажбуриятини юклаш лозим деган фикрдамиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, шахсга унинг қонунда белгиланган ҳуқуқларини ўз вақтида ва тўлиқ тушунтириш унинг ҳимояланиш ҳуқуқи янада самарали амалга оширилишига хизмат қилади, ҳақиқатни аниқлаш, қонунийлик сингари принципларнинг қўлланилишига ижобий таъсир кўрсатади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (2018 йил 14 май, ПҚ-3723-сон) // URL: <https://lex.uz/docs/3735818> (мурожаат вақти: 06.06.2022).
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори. Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида (2003 йил 19 декабрь, 17-сон) // URL: <https://lex.uz/docs/1453755> (мурожаат вақти: 01.08.2022).
3. Юрченко Р. Процессуальные соглашения и законодательное поощрение их заключения // URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31669999&pos=6;-118#pos=6;-118 (мурожаат вақти: 26.04.2022).
4. Прокопова А.А. Процессуальное соглашение о признании вины в уголовном судопроизводстве Республики Казахстан: каких целей оно достигает? // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/protsessualnoe-soglashenie-o-priznanii-viny-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-respubliki-kazahstan-kakih-tseley-ono-dostigaet/viewer> (мурожаат вақти: 26.01.2022).
5. Ахпанов А.Н. Процессуальные соглашения в уголовном судопроизводстве: законотворческий опыт Республики Казахстан / А. Н. Ахпанов, В. А. Азаров, А. О. Балгынтаев // Криминологический журнал Байкальского государственного

³⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года № 907-IQ) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 08.06.2022 г.) // URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30420280 (мурожаат вақти: 15.02.2022).

³⁶ Kriminaalmenetluse seadustik // URL: <https://estlex.ee/?id=76&aktid=54036> (мурожаат вақти: 16.02.2022).



- университета экономики и права. — 2015. — № 2 — С. 344 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/protsessualnye-soglasheniya-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-zakonotvorcheskiy-opyt-respubliki-kazahstan> (мурожаат вақти: 26.01.2022).
6. Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахсинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш: Юрид. фан. д.ри (DSc) ... дис. — Т., 2020. — Б. 198.
7. Мельников В.Ю. Обеспечение и защита прав человека при применении мер процессуального принуждения в досудебном производстве Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2014 // URL: <https://lawtheses.com/obespechenie-i-zaschita-prav-cheloveka-pri-primenenii-mer-protsessualnogo-prinuzhdeniya-v-dosudebnom-proizvodstve-rossiys> (мурожаат вақти: 11.08.2022).
8. Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш: Юрид. фан. д.ри (DSc) ... дис. — Т., 2018. — Б. 217.
9. Прокопова А.А. Процессуальное соглашение о признании вины в уголовном судопроизводстве Республики Казахстан: каких целей оно достигает? // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/protsessualnoe-soglashenie-o-priznanii-viny-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-respubliki-kazahstan-kakih-tseley-ono-dostigaet/viewer> (мурожаат вақти: 26.01.2022); Толеубекова Б.Х. Алогизмы нового уголовно-процессуального кодекса Республики Казахстан / Б. Х. Толеубекова, Т. Б. Хведелидзе // Вестник КазНПУ имени Абая. — 2017. — № 4(50).
10. Алахунов Н.А. Правовые аспекты возможности расторжения соглашения о признании вины в уголовном судопроизводстве Киргизской Республики // Бюллетень науки и практики. — 2021. — № 2. — С. 277 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovye-aspekty-vozmozhnosti-rastorzheniya-soglasheniya-o-priznanii-viny-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-kirgizskoy-respubliki> (мурожаат вақти: 20.04.2022).
11. 2021 йилда Омбудсман офисига 18,7 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди // URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2022/04/07/ombudsman/> (мурожаат вақти: 22.09.2022).
12. Иванов А.А. Правовое регулирование института сделок о признании вины в США // Вестник Нижегородского университета им. Н. И. Лобачевского. — 2012. — № 2 — С. 285 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoe-regulirovanie-instituta-sdelok-o-priznanii-viny-v-ssha> (мурожаат вақти: 20.04.2022).
13. Сделки о признании вины в уголовном процессе зарубежных стран / А. Д. Алёшина, А. Л. Асланян, К. В. Беляева, В. В. Булатова // Юридический вестник молодых ученых. Вып. 3. — М., 2016. — С. 40–43 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sdelki-o-priznanii-viny-v-ugolovnom-protsesse-zarubezhnyh-stran> (мурожаат вақти: 13.07.2021).
14. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.01.2022 г.) // URL: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852&pos=1768;-54#pos=1768;-54 (мурожаат вақти: 03.02.2022).



15. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.01.2022 г.) // URL: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852&pos=1768;-54#pos=1768;-54 (мурожаат вақти: 03.02.2022).
16. Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года № 4651-VI (с изменениями и дополнениями по состоянию на 24.03.2022 г.) // URL: http://continent-online.com/Document/?doc_id=31197178 (мурожаат вақти: 16.02.2022).
17. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2023 йил 14 мартдаги 07/14-2336-112-сон хати.
18. 2021 йилда ҳар учинчи қотиллик оилавий муаммолар туфайли содир этилган — ИИБ // URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/19/iiv/> (мурожаат вақти: 26.01.2022).
19. Судлар томонидан 2022 йилда кўриб чиқилган жиноят ишлари юзасидан ахборот // URL: <https://sud.uz/1801-4/> (мурожаат вақти: 19.02.2023); Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2023 йил 14 мартдаги 07/14-2336-112-сон хати.
20. Алёшина А.Д. Сделки о признании вины в уголовном процессе зарубежных стран // Юридический вестник молодых ученых / А. Д. Алёшина, А. Л. Асланян, К. В. Беляева, В. В. Булатова. — М., 2016. — С. 39 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sdelki-o-priznanii-viny-v-ugolovnom-protsesse-zarubezhnyh-stran> / (Мурожаат этилган сана: 13.07.2021).
21. Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш: Юрид. фан. д.ри (DSc) ... дис. — Т., 2020. — Б. 98; Макаров А.П. Сделка о признании вины: новация УПК Украины // Ученые записки Таврического национального университета им. В.И.Вернадского. Сер. "Юридические науки". — 2013. — Т. 26. — № 1. — С. 414–418.
22. Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди архивидаги 1-1009-2106/237-сон жиноят иши.
23. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: <https://lex.uz/acts/111453> (мурожаат вақти: 10.03.2023).
24. Ўша манба.
25. Судлар томонидан 2022 йилда кўриб чиқилган жиноят ишлари юзасидан ахборот // URL: <https://sud.uz/1801-4/> (мурожаат вақти: 09.02.2023).
26. Ушбу статистик рақамлар қуйидаги манбадан олинди: Пайзиев Д.Ю. Ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институтини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фалсафа д.ри (PhD) ... дис. — Т., 2021. — Б. 5.
27. Саидов А.Ж. Жазо тайинлашда рағбатлантирувчи нормаларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари // URL: <https://zenodo.org/record/6480997#.Yp2y3qhByUk> (мурожаат вақти: 06.06.2022).
28. Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг 2021 йилга доир "1 Я" статистик маълумотлари.
29. Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш: Юрид. фан. д.ри (DSc) ... дис. — Т., 2020. — Б. 130.



30. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йилга доир “1 Я” статистик маълумотлари.
31. Шавкат Мирзиёев. Судлар томонидан оқлов ҳукмлари чиқарилмаяпти // URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2016/10/22/sud/> (мурожаат вақти: 08.06.2022).
32. Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахсинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш: Юрид. фан. д.ри (DSc) ... дис. — Т., 2020. — Б. 253.
33. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.01.2022 г.) // URL: <https://zakon.uchet.kz/rus/docs/K1400000231/> (мурожаат вақти: 06.06.2022).
34. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года № 907-IQ) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 08.06.2022 г.) // URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30420280 (мурожаат вақти: 15.02.2022).
35. Kriminaalmenetluse seadustik // URL: <https://estlex.ee/?id=76&aktid=54036> (мурожаат вақти: 16.02.2022).